

8-МАВЗУ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ҲУҚУҚИЙ ХОЛАТИ (4 соат)

РЕЖА:

- 1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисида тушунча.**
- 2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи.**
- 3. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар.**

**8-МАВЗУ.2-МАЪРУЗА:
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ҲУҚУҚИЙ
ҲОЛАТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ
(2 СОАТ)**

РЕЖА:

- 1.Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи.**
- 2.Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар.**

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 20 дақиқа	<p>Гурухлар давомати назорат қилинади.</p> <p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	<p>2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

Талабалар сони 98 нафар	8-мавзу.2-маъруза. 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси	1.Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи. 2.Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар
Машғулотнинг мақсади: Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати ва унинг хусусиятлари тўғрисида тасаввурни шакллантириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
1. 1.Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунча беради; 2.Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар тўғрисида тушунчалар беради.	11.Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тасаввурга эга бўлади; 2.Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар тўғрисида тасаввурга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, ақлий хужум
Ўқитиш воситалари	Доска, тарқатма материаллар
Ўқитиш шакли	Жамоа бўлиб ишлаш
Ўқитиш шарт шароити	Проектор ва компьютер билан жиҳозланган ўқув ҳонаси

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. **Land Law**: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи**. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан**. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2007. -215 стр.
4. А. Нигматов. **Ер ҳуқуқи**. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: “Ислон Университети”, 2001. – 191б.
5. А. Нигматов. **Земельное право**. Учебное пособие – Т.: “Ислон Университети”, 2001. – 189 б.
6. Узоқова Г.Ш. **Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи**. Т.: ТДЮИ, 2006. -117 б.
7. М. Mirzaabdullaeva, A. Muqimov, Z. Xafizova. **Yer huquqi**, O'quv qo'llanma. -Т.: TIMI, 2016. -196 б
8. **Земельное право**: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Учебник./Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -400 стр.

Қўшимча:

1. Ўзбекистон Республикасининг **Ер кодекси**, Ўзбекистон, Т.: 1998
2. Ўзбекистон Республикасининг **қонун ости ҳужжатлари**

Интернет ресурслари

1. [http:// www. cousera.org /](http://www.cousera.org/)
2. <http:// www, harvard.edu/>
3. [http://www, Ziyonet. Uz/.](http://www, Ziyonet. Uz/)

Блиц саволлар

1. Ер ҳуқуқининг алоҳида қисмида қандай масалалар ўрганилади?
2. Ер фонди тоифасининг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси нимани англатади?
3. Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерлар тушунчаси нимани англатади?
4. Қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлар умумий кўринишда қандай ер турларидан ташкил топади?
5. Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?


**ЕР ФОНДИ
ТОИФАСИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ
ТУШУНЧАСИ**

**Ер фонди
тоифасининг ҳуқуқий
ҳолати** деганда шу
тоифа билан боғлиқ
боғлиқ бўлган
муносабатларни
тартибга солишнинг
ер қонунчилик
ҳужжатларида
белгиланган тартиби
тушунилади

**ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИК
МАҚСАДЛАРИГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН
ЕРЛАР
ТУШУНЧАСИ**

ЕК
43-
модда

**Қишлоқ
хўжалиги
эҳтиёжлари учун
бериб кўйилган
ёки ана шу
мақсадлар учун
белгиланган
ерлар**



Қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи манбалар

Қонуности ҳужжатлари

Буйруқлар, йўриқномалар

ВМ қарорлари

Ўз.респ. Президенти фармонлари

Қонунлар

Умумий аҳамиятдаги

Ўз. Респ. конституцияси

Фуқаролик кодекси

Махсус аҳамиятдаги

Ер кодекси

Фермер хўжалиги тўғрисида

Дехқон хўжалиги тўғрисида

Жиноят кодекси

Муҳофаза аҳамиятидаги

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекс

6-боб

43-модда

58-модда

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҚСАДЛАРИ УЧУН
МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ АСОСИЙ
БЕЛГИЛАРИ:**

**Қишлоқ хўжалик ишлаб
чиқаришида
фойдаланиш учун
тақдим этилиши**

**Қишлоқ хўжалик ишлаб
чиқариши соҳаси учун хизмат
қилиши**

**Ер ресурсларининг қишлоқ хўжалик соҳасида
бажарадиган функциялари:**

**асосий ишлаб чиқариш
воситаси**

**ашлаб чиқаришни ташкил этиш
учун ҳудудий шароит**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи

ЕК 1-боб 1-модда

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, бу ерлар қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 1-моддасида ер умуммиллий бойлик, Ўзбекистон Республикаси халқи хаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади деб таъкидланган. Қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш кўзда тутилган барча ерлар, иқтисодиёт тармоқларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ер ислохати ва қишлоқ хўжалиги ислохати талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги юритиш фаолияти билан шуғулланувчилар томонидан фойдаланилади.

**Қишлоқ
хўжалик
мақсадларига
мўлжалланган
ерлар**

**фойдаланиш
мақсади бўйича**

**хўжалик
юритиш шакли
бўйича**

**товар қишлоқ
хўжалиги
маҳсулоти
етиштиришга
мўлжалланган**

**қишлоқ
хўжалигига
мўлжалланмаган
ерларга (уй-
жойлар, бинолар,
иншоотлар,
йўللар ва х.к.)**

**жамоа
фонди
ерлари**

**фермер
хўжалиги
ерлари**

**деҳқон
хўжалиги
ерлари**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи

ЕК 1-боб

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзларига бериб қўйилган ерлардан аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни амалга оширсалар, иккинчи томондан улар ердан ишлаб чиқариш бинолари қуриш, ёрдамчи хўжаликлар барпо этиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, турар-жой ва маъмурий бинолар, маданий-маиший бинолар қуриш учун ҳам фойдаланадилар.

Қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотларини ер билан таъминлаш амалда хўжаликлараро ер тузиш усули билан ўтказилади. Бундай ер тузиш ишлари бажараётган пайтда ер участкаси чегараланади ва унинг чегаралари марзалар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 32-моддасида, ер участкаси ажратиб берилганда бу участка чегараси натура ҳолида (ернинг ўзида) аниқланиб, ўзга участкалардан марза ва бошқа хил чегара белгилари билан ажратиб қўйилади дейилган. Тегишли ер тузиш органлари берилган ер участкаси чегарасини натура ҳолида белгилаганларидан сўнг, ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат берадилар. Бу ҳужжат тегишли ҳокимият органлари томонидан берилади ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ягона юридик ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

**Ер қонунчилиги
хужжатларига кўра
қишлоқ хўжалик
мақсадларига
мўлжалланган
ерлар кимларга ва
қандай мақсадлар
учун берилади?**



**Ер қонунчилиги
ҳужжатларига
кўра қишлоқ
хўжалик
мақсадларига
мўлжалланган
ерлар кимларга
беради?**

**Товар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари
етиштириш учун**

**илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари ва
илғор тажрибани тарғиб қилиш учун**

**Но қ/х корхоналари, муассасалари ва
ташкilotларига - ёрдамчи қишлоқ хўжалигини
юритиш учун**

**Ўз. Рес. фуқароларига - фермер
хўжаликларини юритиш учун**

**Ўз. Рес. фуқароларига - деҳқон хўжаликларини
юритиш учун**

**Ўз. Рес. фуқароларига - жамоа боғдорчилиги,
полизчилиги ва узумчилиги учун**

Ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ерларни бериш тартиби

ЕК 6-боб 57-модда

57-модда мамлакатимизда саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш мақсадида ер участкалари ажратиб бериш тартибини белгилайди. Таъкидлаш жоизки, мулкӣ – иқтисодий муносабатларда давлатнинг монопол ҳуқуқи ўрнатилган собиқ Иттифоқ даврида қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам фуқароларга эмас, балки айнан давлат корхоналарига ер ажратиб бериш яхши йўлга қўйилган эди. Бунда фуқароларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш, шунингдек турли йўналишларда фаолият юритаётган корхона, муассаса, ташкилотларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан яхшироқ таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ваколатли давлат органлари томонидан фуқаролар меҳнат қиладиган корхоналарга ер участкалари ажратиб бериш ҳоллари тез-тез учраб эди.

Мустақиллик йилларида қабул қилинган ва ҳозирда амалда бўлган Ер кодексида мавжуд эканлигига қарамай, юқорида назарда тутилган сабабларга кўра бугунги кунда ўз долзарблиги йўқотиб бормоқда дейиш мумкин. Шунга қарамай, назаримизда шарҳланаётган моддани амалиётга татбиқ этишнинг ижобий жиҳатларини қайд этиш жоиз:

Биринчидан, саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ходимларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга хизмат қилади;

Иккинчидан, ушбу моддани амалда татбиқ этиш ўз фаолиятини асосан давлат бюджети ҳисобидан юритувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар иш фаолиятида қўл келади;

Учинчидан, 57- моддада кўрсатилган тартибга амал қилиш ҳудуддаги фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган ерларни ўзлаштиришга асос бўлади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга бериш тартиби ва шартлари

ЕК 6-боб 58-модда

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ерлари олиб қўйилаётган ер эгаларининг розилигига кўра ва ердан фойдаланувчилар билан келишувга мувофиқ ер участкаларини ажратиш лойиҳаларига асосан туман ёки вилоят ҳокимининг қарори билан берилади.

Янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари улар туман ёки вилоят ҳокимининг қарори асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган, қайта ташкил этилган ёки тугатилган пайдан эътиборан вужудга келади ёки тугатилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш хўжалик фаолияти учун қулай чегараларда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ер участкаларининг тарқоқ, ўзга ерларга суқулиб кирган бўлишига ва бошқа камчиликларга эга бўлишига, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ерларнинг тарқоқ, ўзга ерларга суқулиб кирган бўлишини ва бошқа камчиликларни бартараф этиш хўжаликлараро ер тузиш тартибида амалга оширилади.

**Қандай шахслар
қишлоқ хўжалик
корхоналари
муассасалари ва
ташкилотларининг
ердан
фойдаланиш
ҳуқуқларининг
субъектлари
ҳисобланади?**

**Қишлоқ хўжалик
мақсадлари учун
мўлжалланган ерларга
нисбатан маълум ҳуқуқ
ва мажбуриятларга эга
бўлган шахслар қишлоқ
хўжалик корхоналари
муассасалари ва
ташкилотларининг ердан
фойдаланиш
ҳуқуқларининг
субъектлари
ҳисобланадилар**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҚСАДЛАРИГАН МЎЛЖАЛЛАНГАН
ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ ЕРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИ**

**Юридик
шахслар**

**Жисмоний
шахслар**

корхоналар


ташкilotлар

муасасалар

**Ўзбекистон
Республикаси
нинг
фуқаролари**

**Ўзбекистон
Республикаси
нинг фуқароси
бўлмаган
шахслар**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҚСАДЛАРИГАН МЎЛЖАЛЛАНГАН
ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ҲУҚУҚИ ОБЪЕКТЛАРИ**



**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҚСАДЛАРИГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР**

**Сув билан
таъминланганлик
даражисига кўра**

**хўжалик юритиш шаклига
кўра**

**Суғориладиган
ерлар
(ЕК -?моддаси)**

**Лалми
ерлар**

**жамоа фонди
ерлари**

**деҳқон хўжалиги
юритиш учун
белгиланган
енлар**

**Суғориладиган
ерларни махсус
муҳофаза
қилишдан
мақсад**

биринчидан, у бошқа тоифадаги ерларга нисбатан суғориш мақсадида фойдаланилиши ҳамда ушбу мақсадда сув билан таъминланиши

иккинчидан, бошқа тоифадаги ерларга нисбатан у кўпроқ қишлоқ хўжалик тизимида фойдаланилиши

учинчидан, ушбу тоифа ерлари бошқа тоифа ерларидан фарқ қилиб, бир неча баробар кўп ҳосил олиниши;

тўртинчидан бошқа тоифадаги ерларга нисбатан бир неча баробар сувдан фойдаланилиши ҳамда ҳосилдорлик қатламига бой бўлиши

бешинчидан, суғориладиган ерларни бошқа мақсадлар учун бериш жараёнида, яъни бошқа тоифага ўтказишда алоҳида назарат этилиши.

**Қишлоқ
хўжалигига
мўлжалланган
ерлардан
фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари
(ЕК ?-моддаси)**

ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига мувофиқ мустақил хўжалик юритиш

қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари ҳамда дов-дарахтларга, этиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни реализация қилишдан олинган даромадга бўлган мулк ҳуқуқи

ер участкасидаги мавжуд кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш

ерларни суғориш ва уларнинг захини кочириш, агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш

фуқаро ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан кимошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни деҳқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш мақсадида кредитлар олиш учун гаровга қўйиши мумкин

**Қишлоқ
хўжалигига
мўлжалланган
ерлардан
фойдаланувчил
арнинг
ҳуқуқлари
(ЕК ?-моддаси)**

қишлоқ хўжалик экинларини, дов-дарахтларни суғориш ҳамда бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш

белгиланган тартибда уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни барпо этиш, ер участкаларидан фойдаланиш мақсади ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ уларни қайта қуриш ва бузиб ташлаш. Ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бу ишларни ер эгалари билан келишиб амалга оширишга ҳақли

ер участкаси олиб қўйилган тақдирда унга етказилган зарарнинг (шу жумладан бой берилган фойданинг) қопланишини ёки ер участкасидан ихтиёрий равишда воз кечилганида сарфланган харажатларнинг тўланишини талаб қилиш

ер участкасини ёки унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча фойдаланишга ва ички хўжалик ижарасига бериш.

**Қишлоқ
хўжалигига
мўлжалланган
ерлардан
фойдаланувчил
арнинг
мажбуриятлари
(ЕК ?-моддаси)**

ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувиغا йўл қўймаслик

ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаб туриш

ерларни муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга ошириш

ер солиғини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтда тўлаш

фойдали қазилма конларини ишлатиш чоғида, шунингдек бошқа ишларни амалга ошириш пайтида ўзларига эгаллик қилишга ва фойдаланишга ҳамда мулк этиб берилган ер участкалари ҳудудидан ташқаридаги қишлоқ хўжалик экинзорлари, ўрмонзорлар ва бошқа ерларга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ёки уни мумкин қадар чеклаш чора-тадбирларини амалга ошириш

**Қишлоқ
хўжалигига
мўлжалланган
ерлардан
фойдаланувчилар
нинг
мажбуриятлари
(ЕК ?-моддаси)**

бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик

фойдали қазилма конларини ишлатиш, қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун берилган қишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмонзорларни уларга эҳтиёж қолмаганидан кейин ўз хисобидан қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ёки балиқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга, мазкур ишлар бошқа ерларда амалга оширилган ҳолларда эса, белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш

махаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни ўз вақтда тақдим этиш

бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш

**ЕР МУНОСАБАТЛАРИ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ АЛОҲИДА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**ЕР МАЙДОНЛАРИНИНГ
ЧЕКЛАНГАНЛИГИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ
ЧИҚАРИШИДА ВА КЎЧМАС МУЛК**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
МАҚСАДЛАРИГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН
ТУРЛИ ЕР
УЧАСТКАЛАРИ
ҲУҚУҚИЙ
ҲОЛАТИДАГИ
ФАРҚЛАР ҚАНДАЙ
ИЗОХЛАНАДИ?**

Қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган турли ер участкалари ҳуқуқий ҳолатидаги фарқлар ер турларининг турличалиги; иқтисодий ва экологик хусусиятлари; субъектларнинг ҳуқуқий статуси ва бошқа ҳолатлар билан изоҳланади. Шу сабабли юридик адабиётларда қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерларнинг умумий, алоҳида ва махсус ҳуқуқий ҳолатлари мавжудлиги белгиланган

**ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИК
МАҚСАДЛАРИГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН
ЕРЛАРНИНГ
УМУМИЙ
ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ
ОБЪЕКТИ БЎЛИБ
НИМА ХИЗМАТ
ҚИЛАДИ?**

Умумий ҳуқуқий ҳолат объекти сифатида қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун бириктирилган барча ерлар хизмат қилади.. Ушбу ерлардан фойдаланишнинг асосий мақсади – қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва саноат учун хом-ашё етиштириш. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан бошқа мақсадлар учун ушбу ерлар **ер кодексининг 23-моддасига** кўра - саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр ўтказиш линиялари, магистрал трубопроводлар қуриш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилади (реализация қилинади).

**НИМА САБАБДАН
ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИК
МАҚСАДЛАРИ
УЧУН МАХСУС
ХУҚУҚИЙ ХОЛАТ
ЎРНАТИЛАДИ?**

Махсус ҳуқуқий ҳолат
суғориладиган ерларга ва алоҳида қимматга эга бўлган суғориладиган ерларга нисбатан ўрнатилган. **Ер кодексининг 44-моддасига** кўра - Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр ўтказиш линиялари, магистрал трубопроводлар қуриш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилади (реализация қилинади).

**СИЗНИНГ
ФИКРИНГИЗЧА ЕР
МУНОСАБАТЛАРИНИ
ТАРТИБГА СОЛУВЧИ
САМАРАЛИ
МЕХАНИЗМ ТАРКИБИ
ҚАНДАЙ
МЕЪЁРЛАРДАН
ТАШКИЛ ТОПИШИ
МАҚСАДГА
МУВОФИҚ?**



**СИЗНИНГ
ФИКРИНГИЗЧА
ЕР
МУНОСАБАТЛА
РИНИ
ТАРТИБГА
СОЛУВЧИ
САМАРАЛИ
МЕХАНИЗМ
ТАРКИБИ
ҚАНДАЙ
МЕЪЁРЛАРДАН
ТАШКИЛ
ТОПИШИ
МАҚСАДГА
МУВОФИҚ?**

амалга ошиши ерларнинг ҳуқуқий ҳолати бузилишини олдини оладиган ва қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг ноқишлоқ хўжалик ерларидан устунлигини таъминлайдиган, ҳамда қимматли ерларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан чиқиб кетишини олдини олувчи **меъёрлар**

Амалга ошиши ер қонунчилигини бузувчи ҳолатларни бартараф этувчи, таркибида ер қонунчилигини бузганлик учун жазо санкциялари мавжуд бўлган **меъёрлар**. Мисол учун, қўшни ер участкаси чегара белгиларини бузганлик учун жавбгарлик кўринишида жарималар белгиланиши

Амалга ошиши бузилган ҳуқуқий ҳолатни қайта тиклаш имкониятини таъминловчи **меъёрлар**. Мисол учун, ер кодексининг 91-моддасига кўра - Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга гайриқонуний равишда эгалик килинган ва фойдаланилган вақтда килинган сарф-харажатлар копланмаган тарзда тегишлилигига кўра кайтарилди

Ўтилган мавзунини такрорлаш бўйича блиц саволлар:

1. Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерлар деганда қандай ерлар тушунилади?
2. Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати тушунчаси нимани англатади?
3. Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?
4. Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерлар кимларга ва қандай мақсадлар учун берилади?